

ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Умаралиева Дилшодахон Набижонова

ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва криминология кафедраси ўқитувчиси

ARTICLE INFO.

Таянч сўзлар: жазо, пробация хизмати, профилактика, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар, жиноят, жиноий жазолар тизими, маҳкум, жазони ижро этиш, пробация, босқич, жиноят-ижроия қонунчилиги.

Аннотация

Ушбу мақолада, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва пробация хизматининг ташкил этилиш тарихи, босқичлари ва зарурияти борасида амалга оширилган ишлар ёритиб берилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2024 LWAB.

Авваламбор, шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир давлатнинг давлат сиёсатида жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсат муҳим ўрин тутади¹. Ҳар қандай жамиятда жиноятлар содир бўлар экан, уларни тергов қилиш, судда мазмунан ҳал қилиб, адолатли қарор қабул қилиш билан тугамайди. Балки янада маъсулиятлироқ бошқа муҳим масалалар пайдо бўлади. Яъни маҳкумга белгиланган жазо қай тартибда ўтилиши керак, қандай қилинса кўзланган мақсадга, яъни маҳкумни қайта тарбиялашга эришиш, адашган инсонни жамиятга руҳан, маънавий соғ ҳолда қайтариш мумкин деган муаммолар вужудга келади².

Жиноятчиликка қарши кураш асосан икки йўналишда амалга оширилади. Биринчиси – аҳолини ижтимоий таъминлаш орқали амалга ошириш яъни аҳолини моддий, маданий, маънавий турмушини ривожлантириб бориш бўлса, иккинчиси – ҳуқуқий чораларни қўллаш орқали олиб борилади. Ҳуқуқий чоралардан энг муҳими жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллаш ҳисобланишини алоҳида таъкидланиши лозим.

Жазо – бу жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади³.

¹Норбўтаев Э.Х. Жиноятга оид сиёсат ва унинг ички ишлар идоралари фаолиятида амалга оширилиши: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005; Норбўтаев Э.Х. Уголовная политика: исходные критерии построения // Ҳуқуқ – Право – Law, 2004, №2. – С. 73-77.

² Саидов А.А. Ўзбекистон республикасининг жиноят-ижроия сиёсатини янада либераллаштириш. Юрид. фан. б-ча. фалса. док. (PhD) диссертация, Т., 2022. 26 – 27 б

³ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-модда // Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL:

Жиноий жазо ва унинг самарадорлигини тадқиқ қилган барча криминалист олимлар “жиноятчиликка қарши курашда, жазонинг оғирлиги ёки қаттиқлиги эмас, содир этилган ҳар битта жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигидир”- деб таъкидлаганлар. Жазо – бу жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири ҳисобланиб, у жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг етакчи шакли. Айнан жиноятларнинг жазоланиши жиноят қонунини ижтимоий алоқаларга таъсир кўрсатувчи восита қилади ва ҳуқуқий нормаларни шахс, жамият ва давлатни ноқонуний тажаввузлардан ҳимоя этувчи ҳақиқий механизмга айлантиради⁴.

Жазонинг асосий мақсади жиноят учун жавобгарликнинг муқарраллигини таъминлаш ва шахсни ахлоқан тузатиш экан, бунга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиши билан ҳам кутилган натижага эришиш мумкинлиги ўз исботини топди.

Жаҳон амалиёти жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш, қамоқхонада сақлаш билан уни тўғри йўлга қайтариб бўлмаслигини кўрсатиб берган бўлса, бу борада олимларимиз ҳам бир нечта фикр билдирганлар. Жумладан, М.Х.Рустамбаев “Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг бошқа жазо турларига қараганда кўпроқ қўлланилиши бир томондан, жазони ижро этиш муассасаларининг тўлиб кетишига олиб келса, иккинчи томондан, салбий оқибатларни келтириб чиқаради”⁵-деб, М.Усмоналиев ва Ғ.Эрматовлар “Жиноятчиликка қарши кураш ишида фақат қаттиқ жазо чоралари орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”⁶-деб таъкидлаган.

Бизнингча, шахсга, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазо тайинланиб, уни маълум муддатга жамиятдан ажратган ҳолда кундалик яшаш тарзини ажратиб, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилгандан кейин эса, уни жамиятга мослаштириш, янгидан ишга жойлаш ва бошқа шу каби ижтимоий муаммоларни юзага келтирилгандан кўра, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиб, уни оиласидан ҳам, иш жойидан ҳам ажратмаган ҳолда жазо муқарраллигини таъминлаш ҳозирги кунда самарали ҳисобланади.

Ҳозирги кунга келиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо тури қўллашнинг, нафақат жазо тайинланган шахсга балки, жамият учун салбий оқибатлари ҳам намоён бўлиб келмоқда. Жумладан, озодликдан маҳрум қилинган шахс жазо муддати давомида, ўзининг касби, билими, мутахассислиги бўйича ишламаганлиги сабабли йиллар давомида билган билим ва кўникмалари эсидан чиқиши, жамиятдан ажратилганлиги учун ўз мутахассислиги бўйича малакасини ошириш, билимини янада мустаҳкамлаш ва янги мутахассисликни эгаллаш жараёнларида қатнашишдан маҳрум бўлаётганлигини кўрсатса, унинг оиласидан, жамиятдан маълум вақт мобайнида ажратилиши, шахс жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келганидан кейин, шахснинг ижтимоий мослашув жараёнларида ҳам маълум муаммолар юзага келишига олиб келмоқда.

Тажриба ва ўрганишлар натижасида, бундай инсонларни оила аъзолари, яқинлари, кенг жамоатчилик орасида бўлиши ижобий натижа бериши исботланди⁷. Айниқса шахснинг оиласидан узоқлашмаган ҳолда жазони ўташи, оиланинг моҳиятига кўра, ўзининг турли, одатий тарбиявий қоидалари, мажбуриятлари, ишонтириш ва жазо тизими мавжуд эканлиги, шахсга яқин қариндошларининг ижобий таъсири билан ҳам шахсни ахлоқан тарбиялашда ижобий таъсир этади. Шу боис жиноят содир этган шахс ёки жиноят содир этишга мойиллиги

<http://lex.uz/docs/111453>

⁴ Таджибаева Д.А.,//Ички ишлар органлари жазони ижро этиш хизмати фаолиятини ташкил этиш: Ўқув қўлланма//–Т., 2020.-Б.135

⁵ Рустамбаев М.Х.,// Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм//–Т., 2006.-Б.265

⁶ Усмоналиев М., Эрматов Ғ.,// Шартли ҳукм тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти //–Т., 2005.-Б.4-5

⁷ Абдулхамидов А.А. Жиноят содир этган шахсга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинламай, жазолаш тизими. Ўз.Р.ИИВ Академияси ахборотномаси. –Т., 2021й.-№4.-Б 127.

бўлганларни жазолаш масаласига янги, оқилона ечим топиш зарурати юзага келди.

Мана шу муаммоларни ечиш ҳамда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ҳалқаро стандартларга мослаштириш борасида қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Маълумки, тадқиқ этилаётган ички ишлар органлари пробация хизмати профилактика фаолиятини бугунги кундаги ҳолати ва мазмунини очиқ бериш учун, унинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳар қандай ҳодисани у қандай пайдо бўлганлиги, қайси босқичларни босиб ўтганлигини ўрганиш, ушбу ҳодисани бугунги ҳолати ва келгусидаги ривожланишининг истиқболларини аниқлаб олишга имкон беради.

Пробация узоқ тарихга эга бўлиб, илк бор пробация хизмати АҚШда 1878 йилда ташкил этилиб, Федерал пробация қонунчилигини қабул қилинишга уринишлар 1908 йилдан амалга оширилган, аммо тегишли қонун фақат 1925 йилда қабул қилинган. Англияда эса пробация институти 1887 йилда "Биринчи маҳкумни суд жараёни тўғрисида" ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан пайдо бўлган⁸.

Пробация хизмати тарихий ривожланиш давомида турли давлатларда турлича моделлари шаклланди. Бугунги кунда пробация хизмати АҚШ, Дания, Швеция, Финландия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа бир қатор ривожланган давлатларнинг жиноят-ижроия қонунчилигига кириб келган бўлиб, хизмат фаолияти шаклига кўра турлича йўлга кўйилган. Яъни, жазоларни ижро этиш тизимининг у ёки бу давлат идорасига қарашли эканлигига қараб, ушбу хизматни ташкил этилганлик шакллари турлича эканлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда ҳам Пробация хизматининг шаклланиш тарихига назар ташлар эканмиз, ушбу хизматнинг вазифаларидан бири сифатида, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш эканлигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш масалалари узоқ ўтмишга бориб тақалишини кўришимиз мумкин.

Жиноят учун жазо ва турли таъсир чораларини қўллаш орқали, шахсга таъсир этиш барча даврларда ҳам асосий восита бўлиб келганлигини тарихдан кўришимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг сўнги бир-икки асрлик тарихига назар ташлаб, ҳар қайси даврда ҳам жиноят учун жазолар қўлланилганлигини ва улар содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра жазоланганлиги кўрашимиз ва уларни бир нечта босқичга бўлишимиз мумкин. Жумладан,

Қадимги ва ўрта асрлар даврида Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатларда даставвал зардуштийлик дини ақидалари, сўнг эса милодий VII асрнинг охири VIII асрнинг бошларидан XX асрнинг 20 йилларигача шариат қоидалари билан бирга шариатда тақиқланмаган урф-одатлар ҳукмронлик қилган. Ушбу диний ақидалар ва диний ахлоқий мезонларга асосланган хулқ-атвор қоидаларида амалдаги қонунчилигимизда мавжуд озодликни чеклаш жазосига ўхшаш бўлган ёки унинг айрим белгиларини ўзида акс эттирган жазоларни қўллаш масалалари ҳам ўрин эгаллаган⁹.

Кейинги босқич, VII асрнинг охири VIII асрнинг бошларига тўғри келиб, унда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги давлатларни Араб халифалиги томонидан босиб олинган даврларда, ушбу давлатларда жиноят ва жазо масалалари одат нормалари ва ислом динининг шариат қоидалари асосида тартибга солинган. Ушбу даврда жиноят ва жазо масалалари одат нормалари ва ислом динининг шариат қоидалари асосида тартибга солинган.

Профессор М.Ражабованинг фикрига кўра, мусулмон ҳуқуқи бўйича жазолар тажаввуз

⁸ <http://mosmediator.narod.ru/index/0-2217>

⁹ Хайдаров М.М.. Озодликни чеклаш жазосининг жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқининг ҳуқуқий жиҳатлари. Юрид. фан. б-ча. фалса. док. (PhD) диссертация, Т., 2022. – 12 б.

объектига қараб 3 гуруҳга яъни;

1) Ҳад; 2) қасос ёки товон ва каффорат; 3) таъзир жазо турларига бўлинган.

Таъзир жазо турларига 3 даррадан 39 даррагача уриш, қамок, огоҳлантириш, жамоат иззаси, жарима, салла ўраб юриш ҳуқуқидан маҳрум этиш ва ҳоказолар қиради¹⁰.

Шунингдек, мусулмон ҳуқуқининг барча таниқли ҳуқуқшунос олимлари ҳам белгиланиши лозим бўлган жазо мезонини ҳисобга олган ҳолда шариатдаги жиноятларни учга бўлиб, илмий-назарий жиҳатдан чуқур талқин қилганлар. Мазкур жиноятларнинг учинчи гуруҳига киритилган бир қатор жиноятларга нисбатан “таъзир” жазо турларидан фойдаланиш назарда тутилган¹¹.

Юқорида кўрсатилганлардан, айнан таъзир жазоси ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлмаган жиноятлар учун қўлланилганлигини ва ушбу жазо тури орасида оғзаки огоҳлантириш, жарима, мол-мулкни мусодара қилиш жазолари мавжуд бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Кейинги босқич - милодий XIV асрнинг охирларида Мовароуннаҳрда буюк саркарда Амир Темур ҳуқумронлик қилган даврларда ҳуқуқнинг асосий манбаи шариат қоидалари ҳисобланган. Бироқ, жиноят ва жазога оид айрим масалаларда Ясога ҳам амал қилинган. Жумладан, “Темур тузуқлар”ида: “Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, тутиб олинса, Ясо бўйича жазолансин”¹², дейилади. Демак, баъзан ўғри ва қароқчиларга “Ясо” асосида ҳам жазо тайинланган¹³.

Бу даврларда кўпроқ бошқариш тартибига қарши қаратилган жиноятлар ва уларга жазо тайинлаш назарда тутилган. Бундан ташқари ўша даврларда фасодчи, бузуқ, нафси ёмон кишилар мамлакатдан бадарға қилиниб, вилоят ва шаҳарлардаги бекорчилар мажбурий ишга жалб этилган¹⁴. Гадейлар ва тиланчиларга нисбатан дастлаб мажбурий ишга жалб этиш, шундан кейин – тамғалаш, агар гадейлик қилишда яна давом этаверса, узоқ мамлакатларга сотиб юбориш ёки бадарға қилиш жазолари тайинланган¹⁵.

Баён этилганлардан шуни айтиш мумкинки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида барча даврларда ҳам озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар, бир қатор жиноятлар учун қўлланилган.

Кейинги босқич – юртимиз ҳудудлари чор Россияси бошқарувига ўтганидан сўнги даврда мамлакатимиз ҳудудида шариат ва одат нормалари билан биргаликда 1864 йилнинг 20 ноябрида қабул қилинган “Жазолар тўғрисида”ги низом асосида жазолар белгиланганлигини, бу даврларда ҳам жазолар таркибида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан огоҳлантириш, хайфсан ва жарима жазолари мавжуд бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Кейинги босқич - Россия томонидан Марказий Осиё босиб олингандан кейинги даврлар яъни собиқ Иттифоқ ҳукмронлиги даврига тўғри келиб, 1922 йил 24 майда РСФСРнинг Жиноят кодекси қабул қилинди ва бу Кодекснинг Туркистон Республикасида ҳам амал қилиниши тўғрисида 1922 йил 21 июлда Туркистон Марказий Ижроия қўмитаси томонидан қарор қабул қилинди. Бу кодекс Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари ҳудудига ҳам жорий қилинди¹⁶. 1924 йил СССР ташкил этилиб, Ўзбекистон иттифокдош республика сифатида СССР таркибига

¹⁰ Ражабова М.А.. Шариатда жиноят ва жазо муаммолари. Юрид. фан. номзоди. диссертация, Т., 1996. – 97 б.

¹¹ Ражабова М.А.. Шариатда жиноят ва жазо муаммолари. Юрид. фан. номзоди. диссертация, Т., 1996. – 123 б.

¹² Темур тузуқлари [Электрон манба]. URL: <http://temurtuzuklari.uz/uz> (мурожаат вақти: 27.12.2020).

¹³ Муқимов З. Амир Темур тузуқлари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд: СамДУ, 2008. – Б. 94.

¹⁴ Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Олий ўқув юрглари талабалари учун дарслик. – Т.: «Адолат», 2003. – Б. 169.

¹⁵ Муқимов З., Маматов Х. Тузуқларда давлат ва ҳуқуқ масалалари. – Т., 2001, – Б. 137.

¹⁶ Сулаймонова Х.С. История советского государства и право Узбекистана. II жилд. - Тошкент: Ўз ССР ФА, 1960. 405-406 ст

кирди. СССР ташкил этилганидан кейин, 1924 йил 31 октябрда “ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари Асосий қоидалари” қабул қилиниб, унда жиноят ҳуқуқи Умумий қисмининг муҳим қоидалари баён қилинди. Асосий қоидалар Умумиттифоқ қонуни бўлиб, барча иттифоқдош республикалар ҳудудида бирдай амал қилиш бошланди.

1926 йил 16 июнда Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят кодекси қабул қилиниб, унда жиноий жазо тизими жазонинг оғиридан енгиллигига қараб жойлаштирилган ҳамда ушбу кодексда ҳам,

- озодликдан маҳрум этмасдан мажбурий жамоат ишлари;
- муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш;
- мансаб лавозимдан бўшатиш;
- жамоат иззаси эълон қилиш
- жарима;
- огоҳлантириш;
- мусодара қилиш каби озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар мавжуд бўлган.

1977 йили Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш хизмати ташкил этилиб, 1986 йилга қадар ИИВнинг мустақил бошқармаси сифатида фаолият кўрсатган. Унинг вазифаларидан бири шартли жазога ҳукм этилган ва шартли равишда муассасалардан озод этилганларни махсус комендатураларда сақлашдан иборат бўлиб, Республиканинг барча вилоятларида жойлашган ўнлаб қурилиш ташкилотлари ва корхоналарда шу тур маҳкумлар меҳнатидан фойдаланилган. Улар гидроузеллар, элеваторлар пахта тозалаш комбинатлари, резина – техника, «Электрохим» ва «Капролактама» заводларида, газни қайта ишлаш мажмуаларида, қурилиш бошқармаларида, тоғ-кон комбинати ва бошқа жойларга ишга жалб этилган.

Кейинги босқич – 1991 йил Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач демократик янгилашнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, кадр-қиммати, қонуний манфатлари ҳурмат қилиниб, инсонни эъзозланиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, юртимизда Конституциясида қонун устуворлиги тамойилларини мустаҳкамлаб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро конвенцияларга қўшилиб, жиноят қонунчилигини инсонпарварлаштириш Ўзбекистон ҳуқуқий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шунингдек, жиноят қонунчилигининг халқаро стандартлар ва нормаларга мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратилиб, республикада суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ишлардан яна бири, мустақил давлатлар ичида биринчилардан бўлиб, 1997 йил 25 апрелда Жиноят-ижроия кодекси қабул қилинди.

Амалдаги Жиноят-ижроия кодекси қабул қилингунга қадар маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми қонуннинг бир моддасида кўрсатилган бўлса, эндиликда алоҳида боб билан мустаҳкамланди ва у олти моддани ташкил этиб¹⁷, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати сифатида уларнинг асосий ҳуқуқлари, юридик ёрдам олиши, шахсий ҳавфсизлиги, виждон эркинлиги ҳамда маҳкумларнинг асосий мажбуриятлари сингари нормалар киритилди.

Бу йўлда муҳим қадамлар жазони ижро этиш муассасалари шароитларининг яхшиланиши, жиноят кодексининг бир қатор моддаларидаги ўлим жазоси чиқарилиб, 75% жиноят турлари

¹⁷ Убайдуллаев З.С., Юлдашев М.Ш. Жиноий жазони ижро этиш тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб масалалари // Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг назарий-амалий муаммолари . – Т., 2006. – Б. 251.

оғир ва ўта оғир туридан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар турларига ўтказилиши, «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»¹⁸ Ўзбекистон Республикаси қонуни юртимиздаги жиноий жазолар тизимини дунёдаги энг инсонпарвар ва либерал тизимга айлантирди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги навбатдаги ислоҳот бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрда қабул қилинган “Биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган шахсларни жазони ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида”ги Фармони бўлди¹⁹. Унга кўра, биринчи марта қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этилган **шахс жазони манзил колонияларида**, ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахс жазони **умумий тартибли колонияларда ўташлиги** белгиланди. Ушбу Фармон билан жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгаришлар маҳкумларнинг жазони ўташ шароитларини яхшилашга имкон берди, маҳкумларни муддатидан олдин озод қилиш мумкин бўлган моддалар кўпайди ва сезиларли даражада жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни жазони ўташ ва яшаш шароитлари яхшиланди.

2007 йил 11 июлдаги «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»²⁰ Ўзбекистон Республикаси қонуни юртимиздаги жиноий жазолар тизими дунёдаги энг инсонпарвар ва либерал тизимга айлантирди. Шунингдек, мазкур қонунларни қабул қилишдан асосий мақсад, давлат, жиноий жазоларни қўллашда жиноятчидан қасд олиш эмас, балки уни тарбиялаш, қайта тарбиялаш, ахлоқан тузатиш, руҳиятини ва онгини, дунёқарашини ўзгартириш, жамиятга тўлақонли қонунларни урф-одатларни хурмат қиладиган ва уларга бўйсунадиган шахс қилиб жамиятга қайтаришдан иборат бўлди.

Қорақолпоғистон Республикаси **Жаслык Кўрғонида** жойлашган жазони ижро этиш колониясининг ёпилиши давлатимизнинг жиноят-ижроия тизимида амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг янада ёрқин ифодаси бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 август куни “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-389-сон қонуни асосида, жазо тизимида, “Озодликни чеклаш” тариқасидаги жазо чораси киритилди.

Бу борадаги ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармонига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазо тугатилди.

Таъкидлаш жоизки, Республикамизда жиноят-ижроия тизимини ислоҳ қилишни таъминлаш ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кенг қўламли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу давр Ўзбекистон жиноят-ижроия тизимидаги ижобий ислоҳотлар даврида яна янги босқични бошлаб берди.

¹⁸Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – Т., 2007. – № 6. – 248-м.

¹⁹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси. 2003 йил 9-10-сон. 149-модда.

²⁰Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – Т., 2007. – № 6. – 248-м.

Хусусан, жиноят қонунчилигининг халқаро стандартлар ва нормаларга мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган **“2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”** Давлат дастурининг иккинчи йўналиши сифатида, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳоқимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш вазифалари белгилаб олинди.

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 01 апрелдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирларнинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига кўра Ўзбекистонда жиноий жазолар тизимига “мажбурий жамоат ишлари” жазоси киритилди.

Сўнги йилларда жиноят-ижроия тизимида жадал олиб борилган ислоҳотлар натижасида, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари кўпайганлиги, ушбу жазоларни сифатли бажариш масаласи долзарблигини келтириб чиқарди ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқишини таъказо қилди.

Ушбу масала эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарорининг қабул қилиниши орқали ўз ечимини топди десак муболаға бўлмайди.

Ушбу қарор асосида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги “Пробация хизмати” ташкил этилиб, 2019 йил 1 январдан эътиборан ўз фаолиятини бошлади. Жиноий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб,

- жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, тизимлаштириш ва уйғунлаштириш;
- маҳкумлар ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш;
- маҳкумлар онгида қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш;
- умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш;
- маҳкумлар, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш;
- озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат самарадорлигини ошириш;
- жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уларнинг озодликдан маҳрум этиш жойлардан озод этилган шахсларни ижтимоий

мослаштиришда фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш²¹ белгиланди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2020 йил 24 январдаги маърузасида: «оғир жазо тайинлаш каби аллақачон умрини ўтаб бўлган тартибларни бекор қилиш вақти етди»²²-деб таъкидлади.

Шуни аълоҳида таъкидлаш керакки, илгари ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш инспекциясидан фарқли ўлароқ, Пробация хизматининг асосий вазифаси нафақат жазони ижросини ташкил этиш, балки назорат остига олинган шахсни келгусида жиноят содир қилмаслиги борасидаги профилактик тадбирлар олиб бориш этиб белгиланди.

Бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 октябрь кундаги - 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табрикларида: “Билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолган ва жазони ўтаётган фуқароларнинг ижтимоий мослашувини, соғлом ҳаётга қайтишини таъминлашда ҳам ички ишлар органларининг ўрни ва роли ортиб бормоқда. Бу йўналишда илгариги жазони ижро этиш инспекцияси ўрнига пробация хизматини ташкил этдик. Ушбу хизмат маҳкумларни зарур касб-хунарларга ўқитиш ва тайёрлаш, ишга жойлаштириш, уларни хусусий тадбиркорликка жалб этиш, энг асосийси, иш берувчилар томонидан уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишида яқиндан ёрдам кўрсатмоқда”²³-деб таъкидлаган эди.

Шунингдек, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2020 йилнинг 29 декабрь кундаги Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар янги йилда ҳам изчил давом эттирилади. Жумладан халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колониялар босқичма-босқич қасқартирилади. Бундан буён биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо енгилроғи билан алмаштирилса, у манзил-колонияга ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробация назоратига олинади. Мазкур енгиллик натижасида ҳозирда жазо ўтаётган 6 минг нафар шахсга ўз маҳалласи назорати остида оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилади” – дея таъкидлаганлари ҳам Қарор асосида ташкил этилган ИИВ Пробация хизмати фаолиятининг аҳамиятини ҳозирги кунда долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февраль кундаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 30-бандида халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этган ҳолда жазони ижро этиш ва пробация хизматини янада такомиллаштириш бўйича қатор вазифалар белгиланди. Жумладан:

- пробация хизмати марказий ва ҳудудий маҳкамалари мақомини ошириш, ушбу хизматнинг кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, уларни ижтимоий мослаштириш ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш;

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4006-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.11.2018 й., 07/18/4006/2166-сон.

²² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 25 янв.

²³ <https://president.uz/uz/lists/view/3913>

- пробация назоратидаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларини, уларга электрон браcлет воситасини таққан ҳолда, реал вақт режимида электрон кузатиш ва мониторинг қилиш тартибини жорий қилиш;
- пробация фаолияти таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;
- ҳокимликлар ҳузуридаги озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармонида, туман ва шаҳар пробация бўлинмалари тегишинча туман ва шаҳар ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, пробация ҳисобига олинган шахсларни кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмлари белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 28¹-моддаси асосида, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш жазоси, маъмурий жазо тизимига киритилиб, мазкур жазонинг ижросини назорат қилиш ички ишлар органларининг пробация бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Хулоса қилиб, шунини айтиш мумкинки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида барча даврларда ҳам озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар, бир қатор жиноятлар учун қўлланилган. Пробация фаолиятини эса ушбу озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилишини мантикий давоми десак муболаға бўлмайди. Илгари жазони ижро этиш инспекцияси ходимлари томонидан фақатгина озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижросини таъминлаш амалга оширилган бўлса, ҳозирги кунда пробация бўлинмалари назорати остидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш бўйича янги тизим яратилиб, пробация хизматининг асосий вазифаси, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш давомида, шахсни ижтимоий мослаштириш, жиноят содир этилиш сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш орқали пробация назорати остидаги шахс томонидан қайта жиноят содир этилишини олдини олишдан иборат бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Норбўтаев Э.Х. Жиноятга оид сиёсат ва унинг ички ишлар идоралари фаолиятида амалга оширилиши: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005 й.
2. Саидов А.А.. Ўзбекистон республикасининг жиноят-ижроия сиёсатини янада либераллаштириш. Юрид. фан. б-ча. фалса. док. (PhD) диссертация, Т., 2022.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси URL: <http://lex.uz/docs/111453>
4. Таджибаева Д.А. Ички ишлар органлари жазони ижро этиш хизмати фаолиятини ташкил этиш: Ўқув қўлланма–Т., 2020 й.
5. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм–Т., 2006 й.
6. Усмоналиев М., Эрматов Ғ. Шартли ҳукм тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти –Т., 2005 й.
7. Абдулхамидов А.А. Жиноят содир этган шахсга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинламай, жазолаш тизими. Ўз.Р.ИИВ Академияси ахборотномаси. –Т., 2021й.-№4.
8. <http://mosmediator.narod.ru/index/0-2217>

9. Хайдаров М.М.. Озодликни чеклаш жазосининг жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқининг ҳуқуқий жиҳатлари. Юрид. фан. б-ча. фалса. док. (PhD) диссертация, Т., 2022.
10. Ражабова М.А.. Шариатда жиноят ва жазо муаммолари. Юрид. фан. номзоди. диссертация, Т., 1996 й.
11. Темур тузуклари [Электрон манба]. URL: <http://temurtuzuklari.uz/uz>
12. Муқимов З. Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд: СамДУ, 2008 й.
13. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: «Адолат», 2003.
14. Муқимов З., Маматов Х. Тузукларда давлат ва ҳуқуқ масалалари. – Т., 2001 й.
15. Сулаймонова Х.С. История советского государства и право Узбекистана. II жилд. - Тошкент: Ўз ССР ФА, 1960 й.
16. <https://president.uz/uz/lists/view/3913>
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4006-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.11.2018 й., 07/18/4006/2166-сон.
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 25 янв.
19. ¹Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – Т., 2007. – № 6.
20. *Убайдуллаев З.С., Юлдашев М.Ш.* Жиноий жазони ижро этиш тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб масалалари // Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг назарий-амалий муаммолари. – Т., 2006 й.
21. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – Т., 2007 й. – № 6.
22. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси. 2003 йил 9-10-сон.
23. Эгамбердиев В.О.//Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик фаолияти//O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI T – 2023 й.